

XX АСР ИНГЛИЗ АЁЛЛАР НАСРИНИНГ БАЪЗИ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Қозоқова Чарос Абдивалиевна

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10404307>

Annotatsiya: Ingliz ayollar nasrining ayrim nazariy masalalari. Maqola XX asr ingliz ayollar nasrining xususiyatlarini nazariy adabiyotshunoslik nuqtai nazaridan o'rganishga bag'ishlangan. Asosiy rivojlanish tendentsiyalari aniqlanadi, ingliz tilidagi ayollar nasri poetikasining asosiy xususiyatlari umumlashtiriladi, masalan, shakl bilan tajribalar, mavzularni rivojlantirish, feminism bilan aloqalar va boshqalar.

Kalit so'zlar: ayollar nasri, adabiy harakat, xotin-qizlar muammosi, oilaviy munosabatlar, ayol va jamiyat.

SOME THEORETICAL ISSUES OF ENGLISH WOMEN'S PROSE OF THE 20TH CENTURY

Abstract: Some theoretical issues of English women's prose. The article is devoted to the study of the characteristics of English women's prose of the twentieth century in the aspect of theoretical literary criticism. The main development trends are identified, the main features of the poetics of English-language women's prose are summarized, such as experiments with form, development of themes, connections with feminism, etc.

Keywords: women's prose, literary movement, women's issues, family relationships, woman and society.

НЕКОТОРЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ АНГЛИЙСКОЙ ЖЕНСКОЙ ПРОЗЫ XX ВЕКА.

Аннотация: Некоторые теоретические вопросы английской женской прозы. Статья посвящена исследованию особенностей английской женской прозы XX века в аспекте теоретического литературоведения. Выявлены основные тенденции развития, обобщены основные особенности поэтики англоязычной женской прозы, как эксперименты с формой, разработкой тем, связь с феминизмом и др.

Ключевые слова: женская проза, литературное течение, женский вопросы, семейные отношения, женщина и общество.

КИРИШ

Аёллар насли, аёллар драматургияси ва бошқа муаллифи аёл феномени билан алоқадор йўналишлар, умуман аёллар адабиёти мавзуси каби, кўпчиликни қизиқтирадиган ва шу билан бирга ҳали ҳамон ўз ечимини тополмаётган илмий соҳалигича қолиб кетмоқда. Миллий адабиётшуносликда яратилган айрим тадқиқотларда илмий атамалар чалкаштириб юборилган [1] ҳамда аёллар адабиёти тушунчасини асосан аёл образи талқини билан боғлаш холатлари кузатилади.[2]. Шу сабабли мазкур мақоламиизда тадқиқотимиз обьекти бўлган аёллар насрининг назарий хусусиятларини илмий асослашга, турли талқинларни ягона маҳражга келтириб шарҳлашга харакат қиласиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Аёллар насли бу адабий жанр ҳам, маълум мазмундаги китоблар жамланган жавон ҳам эмас. Аёллар насли, умуман аёллар адабиёти каби алоҳида феномен, бетакрор сўз

санъати ҳодисаси бўлиб, ўз тарихи ҳамда хоссаларига эга. Турли маълумотнома-луғатларда шундай талқинга ҳам дуч келамиз: аёллар насли бу “оламни, ижимоий тажрибани ва амалиётни аёллар нигоҳи билан баён қиласидиган адабий матнлардир” [3]. Бунга аёллар насли тарихини илова қилиб ҳамда шу йўналиш вакилалари ижодини ўрганиб, биз унга хос бўлган бир нечта хусусиятларни қайд этдик:

- асар муаллифи ва бош қаҳрамони аёл киши;
- асарда “аёллар масаласи” кўтарилади;
- аксарият холларда асар замирида автобиографик мактуб ётган бўлади.

Бу хусусиятлар ретроспектив-тарихий планда қаралганда кузга ташланади. Бундан ташқари аёллар наслига хос бўлган бадиий-психологик ва поэтик хусусиятларни ҳам таъкидлашимиз лозим:

- психологиям ва экспрессивлик эркаклар наслига нисбатан юксакроқ;
- тез-тез ўзлигини қурбон қилиш ва барчани кечириб юбориш мотиви учрайди, бу эса асарнинг алоҳида эмоционал таъсиранлигини оширади;
- замонанинг сиёсий ва иқтисодий муаммоларидан чекинилганлиги.

Масала тарихига эътибор қаратсак, XIX асрда адабий меҳнат тўласинча эркаклар зиммасида бўлган. Фақатгина XIX асрнинг ўттизинчи йилларига келиб дастлабки аёл-муаллифлар эркак ҳамкасларига нисбатан рақобат қила бошлишди. Ўша асрнинг 80-йилларига келиб эса, тўлиқ адibalар асарларидан ташкил топган тўпламлар чоп этилди – бу аёллар насли тарихи учун сакраш даври бўлиши билан бир қаторда, ўта муҳим адабий-тарихий ҳодиса хисобланади. Аста-секинлик билан жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар аёллар наслини адабий йўналишларнинг бири сифатида эътироф этилишига олиб келиш билан бир қаторда, адабий оламнинг ажралмас тўлақонли бўлагига айланиш имконини берди. Аёллар наслининг шаклланиш тарихи аёллар эмасипацияси билан боғлиқ бўлган “аёллар масаласи”дан ажралган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Жорж Санд («Графиня Рудольштадт»), Шарлотта Бронте («Виллет»), Жейн Остин («Эмма») кабилар ўз романларида анъанавий-одатий ҳатти-харакатдан фарқланувчи янгича холатларни тасвирлай бошлаган соҳанинг илк кашибофлари эдилар. Муаллиф-аёлга нисбатан муносабат вақт ўтиши билан турлича ўзгариб туради. Агар ўн тўққизинчи асрнинг бошида унга нисбатан қисман беписандлик ва хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлинган бўлса, қисқа вақт ичida аёллар учун тўлиқ легал бўлган имкониятлар пайдо бўлади: таржима иши ва болалар учун асарлар яратиш. Аммо ўн тўққизинчи асрнинг ўттизинчи йилларида аёл-адabalар танқиди яна кескин тус олиб, очиқдан очиқ кулгу ва кинояга чўлғанади.

Олтмишинчи йилларга келиб вазият яна узгариб кетади: аёлларнинг эркинлик харакати қанчалик кенг қулоч ёйса, худду шу тарзда аёлларнинг адабий меҳнати эркинлашиб, эътироф этилади. Аср сўнгига аёллар адабиётида кўплаб насрда ижод қиласидиган адibalар номини кўрамиз.

Аёлнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши адабиёт майдонига янгидан янги мавзуларни олиб чиқди. Аёллар насли яна исталган мавзуни ишлай бошлиди: майший, ижтимоий, фалсафий. Мазмун излаш, ўзликни англаш, жамият ва шахс муносабатлари, мухит ва вазият таъсирида шахснинг узгариши, ўлим ва хаёт масаласи, ва албатта, улар қаторида оила, мухабbat, болалар, улғайиш, уй-жой мотиви кабилар ҳам кенг ишланди. Аёллар насли феномени тўғрисида гапирав эканмиз, инглиз адабиётида ўз даврида аёллар насли ривожига муҳим хисса бўлиб қўшилган Луиза Мей Олкотнинг “Кичкина аёллар”, Жейн Остиннинг

“Фурур ва ирим”, Энни Берроуз ва Мэри Шаффернинг “Китоб ва картошка қолдиғидан пирогсеварлар клуби” асарларини алоҳида эслатмоқ жоиз.

Аёллар адабиёти йўналишининг ilk вакиллари яратиб кетган новеллалар, мумеуарлар, кундаликлар кейинги авлод вакиллари ижодида ёки ҳозирги замонда ҳикоя, қисса, ҳасбу-ҳол –романлари ва эсселарига айланиб борди.

XX асрга келиб ўз фаолиятида аёллар насрини устувор биладиган яхлит «No Kidding Press» каби нариёт уйлари пайдо бўлди. «Common place» нашриёти эса XIX-XX асрларда яшаб ижод қилган, аммо ҳозирда номлари унтуилиб бораётган адібаларнинг мемуарлари ва бадиий насрини чоп этишга бағишлиланган «Θ» сериясини нашр этишни бошлаб юборган, уларда сўз санъати борасидаги аёллар тажрибаси акс этган.

Таъкидлашимиз жоизки, ўтган асрнинг охирига келиб, аёллар насири алоҳида адабий ҳодиса эканлиги эътироф этилади. Уни таҳлил қилишади ва муҳҳокамага қўйишади, тадқиқотлар, баҳс-муназаралар ўтказилиб, турли мутахассислар ишти рок этишади: филологлар, социологлар, тарихчилар. Аёллар насрининг алоҳида ўз тили, эстетикаси, тасвир услуби борми? Кимdir бу саволларга барчаси бор, мавжуд деб жавоб берса, кимdir адабиётни гендерлик жиҳатдан бўлиш шартли дейган хulosага келади. Бирорлар, аёллар насири дейилганда муаллиф аёл киши бўлган ҳар қандай асарни қамрайди, деб ўйласа (бу аслида хато қарашиб), бошқалар бу тушунча замирида феминизм ва патриархал турмуш тарзи масалаларини камровчи матнларни жамламоқчи бўлади. Нуқтаи назарларнинг турлича эканлигидан қатъий назар, ишонч билан таъкидлашимиз лозимки, аёллар насири - хаёт ва санъатнинг тўлақонли акс эттирилишидир. Унга тажрибалар ва новаторлик, бадиий идеал ахтариш ҳамда турли жанрлар ва оқимларга хос хусусиятларни синтезлаш хос. Бу бадиий адабиётни аёлларга хос такрорланмас ўзига хослик билан, айнан ўша борлиқни аёллар нигоҳи билан тасвирлаш хисобидан, бойитиш демакдир.

“Аёллар насири” атамасини илмий асосда ўрганишга И.М.Попова, Е.В.Любезная [4], Л.Ф.Алексеева, В.Киляков, Н.А. Туранин [5] ва бошқа адабиётшунослар эътиборига тушган.

XX аср инглиз аёллар насири ўзига яраша бой ва рангбаранг адабий оқим бўлиб, бир қатор иқтидорли адібалар ижодини қамрайди. Улардан баъзилари ўз дикқат-эътиборларини ижтимоий масалаларда ва хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва роли масалаларида айнан аёллар тажрибасига қаратишади. Бунга мисол тариқасида номлари башарият адабиёти ва маданияти тарихида сақланиб қолган бир қатор ижодкорлар ва уларнинг асарларини санаб ўтиш мумкин: қаҳрамонларининг ички монологлари тафаккур оқими усулига таянганлиги, оригинал тузилиши билан китобхонларга танилган В.Вулфнинг “Миссис Дэллоуэй” (Mrs. Dalloway), замон ва оиласи муносабатлар масаласини ўрганишга бағишлиланган “Маёқ томон” (To the Lighthouse) романлари, Жоржия О^Кифнинг феминизм, аёллик жозибаси ва маданий ислоҳотлар мавзулари ишланган “Туманли-мовий тоғлар” (The Blue Mountains) романи, Жойс Кэрол Оутснинг бадиий матн шакли устидан тажрибалар ўтказган ва ўзликни англаш масаласини кўтарган “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” (The Golden Notebook) асари, Сильвия Платхнинг жамиятда депрессия ва аёллар роли мавзусини ёритган “Кузгули қалпок” (The Bell Jar) автобиографик романи, Маргарет Этвуднинг аёл мутелиги ва сиёсий дин масаласини кутариб чиқкан “Хизматкор қиз ҳикояси” (The Handmaid's Tale) футуристик романи кабиларни кўрсатиш мумкин. Албатта бу жуда улкан, Америка ва Европа қитъасига сочилиб кетган инглиз тилида яратилган аёллар насрининг бой меросидан айрим парчалар холос. Қайд этилганидек,

уларнинг ҳар бири аёллар тажрибасини турли аспектлар ўрганади ва ўз даври адабиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

ХУЛОСА

XX аср инглиз аёллар насрига, жаҳон ҳамжамиятида содир бўлган ижтимоий-маданий, иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар, аёллар роли ва ўрнининг мазмун-моҳияти ислоҳ бўлганлигини акс эттирувчи юксак бадиийлик билан бирга, адабий услугуб ва шаклларнинг эволюциясини ҳам ифодалаш хосдир. Бу жиҳатларни кўплаб адібаларнинг аёллар насрига тегишли деб эътироф этилган бадиий матнларини ўрганиш, қиёслаш ва уларга бағишланган баъзи тадқиқотлар хulosаларини умумлаштириш асносида, хulosha ўрнида, инглиз аёллар насрига хос асосий хусусиятлар сифатида қўйидагиларни санаш мумкин:

1. *Феминистик мавзулар*: аксарият аёл муаллифлар-адибалар феминистик мавзуларни дикқат-эътибор билан ўрганишади, жамиятдаги аёлларнинг роли билан боғлиқ бўлган тенгиззлик, ижтимоий дискриминация ва чекловлар муаммоларини ахтаришади;

2. *Бадиий матн шакли-жанрлари билан тажриба*: айрим адабалар, масалан Виржиния вулф кабилар, ижодик жасорат кўрсатишиб анъанавий бадиий матн шакли устидан тажриба ўтказишарди, бунда персонажларнинг ички кечинмаларини акс эттириш мақсадида тафаккур оқими ва бошқа инновацион усуслардан фойдаланишарди.

3. *Персонажлар психологиясини ўрганиши*: аксарият асарларда аёл персонажлар психологиясини, ички зиддиятларини ва ҳиссий кечинмаларини чукур ўрганиш масаласига асосий эътиборларини қаратишади.

4. *Оилавий муносабатлар ва ундаги онанинг роли*: инглиз аёллар насрининг муҳим мавзуси оналиқ контекстида тасвирланган оилавий муносабатлар масаласи бўлиб, айрим адидалар замонавий оналиқ ролининг мураккаблиги ва унинг аёл хаётига таъсирини ўрганишади.

5. *Ижтимоий-маданий меъёрлар танқиди*: аёл адидалар тмавжуд ижтимоий-маданий стереотиплар ва меъёрларни фаол танқид қилишар ва бу билан жинс, синф ва ирқ билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишга чорлашарди.

6. *Кўп овозлилик*: айрим асарлар ўзида кўплаб турлича овозлар ва нуктаи назарларни қамраб, муаллифларига аёлларча тажрибаларнинг хилмажиллик имкониятини беришарди.

7. *Жанрлар қоришуви*: баъзи ҳолларда муаллифлар турли туман жанрларни аралаштириб, коришириб, ноёб асарлар яратишганлиги кузатилади; уларда роман, автобиография, фэнтези ва хатто илмий фантастика унсурларидан аралаш фойдаланилган.

Санаб ўтилган бадиий ўзига хос хусусиятлар XX аср инглиз аёллар насрининг серқирра, бой ва турлича поэтик хусусиятларга эга меросини ташкил этиб, адабий ва маданий тарихда ўзининг муносиб изини қолдирган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Muhammedova N. Margarett Drtbbl asarlarida ayol obrazi va uning ijtimoiy maqomining oziga xosligi: Filol. fan.fals.dok. diss.- T., 2019.-177 bb.; Muhammedova X. Charlz Dikkens asarlarida ayol xarakteri tipologiyasi: Filol. fan.fals.dok. diss.- T., 2019.-169 bb.; Fayzullaeva U. Virjinia Vulf romanlarida ayol ichki dunyosining tasvirlanishi: Filol. fan.fals.dok. diss.-Samarkand, 2020.-175 bb. va boshqalar.

2. Чориева Ш.Ш. Инглиз “йўқотилган авлод” адабиётида аёллар образининг бадиий ўзига хослиги (Ричард Одингтон ва Вера Бриттен асарлари мисолида).- PhD диссертацияси автореферати.-Т.-2023 й.-59 с.
3. Тезаурус терминологии гендерных исследований.-М.:Восток-Запад:Женские Инновационные Проекты. 2003. Автор: А. А. Денисова.
4. Феномен современной «женской прозы» // Вестник ТГТУ. 2008. Том 14. № 4. Transactions TSTU
5. Алексеева, Л.Ф. Литературная жизнь 1970–2000-х гг. / Л.Ф. Алексеева //История русской литературы XX в. В 4-х кн. – М., 2008. – Кн. 4. – С. 5–19.